



ТОШКЕНТ ҲАҚИЯТИ

2008 йил
23 июль
ЧОРШАНБА
№ 57
(12.068)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

КУВАЙТ ДАВЛАТИ АМИРИ ҲАСТИМОМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувейт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Ахмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 22 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

Ҳазрати Имом мажмуининг тарихимиз, маънавий ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Юртбошимиз ташаббуси билан ушбу қутлуг қадамжода кенг қўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Олий мартабали меҳмон зиёратни Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишувдан бошлади. Ушбу масжид Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида яратилган лойиҳа асосида 2007 йили бунёд этилган.

Кувейт Давлати Амири XVI асрда бунёд этилган нодир тарихий обода – Мўйи муборак мадрасасида бўлди. Утган йили мадраса биноси тўдан қайта таъмирланиб, Усмон Мухсафи музейига айлантирилди.

Шайх Сабоҳ ал-Ахмад ал-Жобир ас-Сабоҳ бу ерда муқаддас Куръоннинг энг нодир кўлэмасини кўздан кечирди. Маълумки, ушбу мўътабар масканда халифа

Усмон даврида (644-656) кийик терисига қўчирилган қадимий Куръони Карим (Усмон Мухсафи) сақланмоқда.

Олий мартабали меҳмон ушбу нобъ тарихий меъморий обидалар ўзида катта таассурот қолдирганини эътироф этаркан, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида буюқ ажодлар меросини тиклаш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, улуг аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданый меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шуурига синдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Кувейт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Ахмад ал-Жобир ас-Сабоҳ мажмуининг мўътабар меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Ў.А.



ҚАРОҒИМДА АСРАГУМ СЕНИ...

СЕРҚУЁШ Ўзбекистонимизнинг бепойб сарҳадлари ичра бир маскан бор. Бўстонлик туманида жойлашган Угом-Чотқол кўриқхонасининг сўлими бир гўшаи, тоғ бағридаги бўстондек бу қишлоқни Пском дейдилар. Унинг захматқаш инсонлари: доҳону чорвадорлари, бобону сарбонлари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашиб ниҳатида келган бир ғуруҳ иждокорлар, жамоатчилик вакиллари Пском ва пскомликларни шу кунга яна бир бор кашф этдилар.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини муносиб қутиб олиш ҳақидаги Юртбошимиз қарори доирасида ташкил этилаётган бундай тадбирлар халқимизнинг айна дилидаги гап бўлди десак муболага бўлмас. Санъатсевар халқимиз эл-юрт хизматида юрган инсонларни, хусусан, ижод ахлини ҳаммиса қучоқ очиб қутиб олишади.

– Дунёда дийдор деган ширин калом бор, – дейди туман ҳокими Қамбарали Өшонкулов. – Истиклолимиз шарофати билан насиб этаётган ҳар бир неъмат қадри осмон қадар юксак. Зеро, вилоятимиз

нинг энг узок, чекка бир қишлоғи бугун катта шодийнага макон бўлиб турибди. Гўё, мустақиллик насимлари ушбу табарук заминдан Ўзбекистон бўйлаб таралмоқда.

– 17 йил тарих учун қисқа муддат, – деди пскомликлар байрам билан қутлар экан вилоят ҳокимининг маънавият масалалари бўйича ёрдამчиси Раҳматилла Шералиев. – Лекин шу давр мобайнида мамлакатимиз асрларга тенг юксалиш йўлини босиб ўтди. Бунда вилоятимиз ҳудудида яшаётган 80 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, шу жумладан,

пскомликларнинг ҳам салмоқли улуши бор. Кўҳи баландда яшовчи сиз азизларга истиқлол тўйи муборак бўлсин.

Ҳақиқатан ҳам, ёруғ дунё хикматини ҳурликда, озоликда деб билган эзгу нитли халқимиз чехрасидаги шод-хуррамлик тадбирга ташриф буюрган меҳмонларга ҳам кўтаринки кайфият, баланд руҳ бағишлади. – Э. кароматингдан ўргилди сени, – дейди Ўзбекистон телевидениесининг "Гал йўқ" студиясининг актёри Рихисовой Алиев. – Мустақил юртимизнинг жаннатдек маконларига, меҳнатсевар, одам-оҳун одамларига гап йўқ экан. Ҳаётда кўнгли очик, бағрикенг инсонларнинг кулгуси ҳам беғубор, самимий бўлади. Бундай бағри-бугунлиқ учун, тинч-фаровон ҳаёт учун шуқр қилмай бўладими?!

Ҳақиқатан ҳам, юзюкунда мамнулик, шукроналик зоҳир пскомликлар

Ўзбекистон Халқ артисти Замира Суёнованинг оромбахш қўшиқларини, таниқли актриса Элмира Раҳимонова, актёр Абдувоҳид Зоитов, хонанда Мирзали Миржалилов ва шоира Зарифа Эралиеванинг чиқишларини завқу шавқ билан тинглаб, томоша қилдилар. Тадбирнинг яна бир эътиборли жиҳати, она табиат кўриқчилари, Угом-Чотқол кўриқхонасининг захматқаш ходимларига туман ҳокимлиги томонидан мустақиллик байрами муносабати билан фахрий ёрликлар топширилди. Табиатан поқдил, меҳнатқаш инсонлар учун эса бундан ортиқ маънавий рағбат бўлмас керак.

Сайёра РИХИСЕВА,

Обиджон ИСМОНОВ.
СУРАТЛАРДА: учрашув лаҳзалари.

Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни қучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 сентябидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 сентябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

– иш ҳақи – ойига 25040 сўм;
– ёшга доир пенсиялар – ойига 49600 сўм;
– ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулчинчи) разряд – ойига 25040 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 49600 сўм;
– зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 30040 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансин, иш ҳақига қўйилсинки, иш ва кўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, боали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 сентябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладди.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофизат қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияландирилган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмараси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ҳўжалик ҳисобидида қорхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 сентябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини қамайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 сентябидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ҳамда Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2008 йил 21 июль.

И. КАРИМОВ.

ЯНГИ СПОРТ ЗАЛИ

БОЛАЛАР спортини ривожлантириш жағмарасининг вилоят филиали ҳомийлигида Бекобод туманидаги 19-, 46-умумтаълим мактабларида қишки спорт заллари бунёд этилаётти. Қурилиш ишлари "Бегимжон Мирза ота" ҳамда "Холматов Абдулла" хусусий қорхоналари қурувчилари томонидан амалга ошириляпти. Хар икки мактаб спорт зали учун жағмарма ҳисобидан 260 миллион сўм маблағ ажратилган.

Мунаввара
РАЖАББЎЙ қизи.

ПАРКЕНТДА ҒИШТ ЗАВОДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи қорхоналар сафи яна биттага кўпаядиган бўлди. Паркент туманида бунёд этилаётган бу қорхонани тиклашда Туркиянинг "КДМ финансал тедр сркет" компанияси билан ҳамкорлик қўл келди.

Уни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашда ҳам туркиялик ҳамкорлар яқиндан ёрдэм бераёттир. Завод тўла қувват билан ишлаб бошлагач, бу ерда бир кеча-кундузда ўртача 200 дона сифатли пишиқ ғишт тайёрлаш имкони туғилади.

Акбар АЛИЕВ.

ЯПОН КИНОСИ КУНЛАРИ

ИКУМО ХИРОЯМА номидаги халқаро маданият қарвонсаройида бир ҳафта мобайнида япон киноси кунлари бўлиб ўтади.

Бу кунлар мобайнида ўзбекистонлик киномулкчилар эътиборига япониялик таниқли режисёрлар ижодида мануоб бадиий ва мультпликацион фильмлар ҳавола этиляпти.

– Ушбу тадбир Ёшлар йили муносабати билан ташкил этилиб, ишларнинг ёғи таътилин мазмуни ўтишига ҳам хизмат қилади, – дейди Халқаро маданият қарвонсаройи раҳбари Ф. Усмонов.

– Бир ҳафта мобайнида намоиш этилядиган япон киножодкорларининг сара кинонасарлари икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

«Туркистон-пресс».

ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 17 йиллиги арафасидаги байрамолди тадбирларидан бири шу шир остида Бўқадаги "Осиё" тўйхонасида бўлиб ўтди.

Шоир Бобур Мирзо, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмад-жон Дадаев, "Дуторчи қизлар" ансамбли хонандаси Дилбар Назарова, ёш санъаткорлар Хуснигул Абдуназарова ҳамда Шахло Кўлдосеванинг овоз Ватанини, эзулик ва инсонийликни улугловчи шеърлари, куй-қўшиқлари даврага файз бағишлади.

– Тинч, фаровон юртга тўйлар ярашади, – деди тадбирда сўзга чиққан республика "Маҳалла" хайрия жағмараси раиси ўринбосари Аҳор Уринбоев. – Қалби пок, эзгу ниҳти халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришяётган ютуқлари асрий орузлар рўёби – мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаверади.

Қутлуг сана олдида дийримизнинг барча гўшаларида фахрийлар, меҳнат илгорлари ва ёшлар ишти-

рокида учрашувлар, кечалар ўтказилапти. Табиийки, бундай тадбирлар мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг, сиёсий ва маънавий ўсишнинг мазмун-моҳиятини янада теранроқ англашга кўмаклашади.

– Ўзбекнинг яхши кунни дўстлар билан, – туманда яшовчи кекса онахон Тўлғоний Ҳамроқуллова ўз сўзини шундай бошлади. – Шундан-да юртимизда тўй-тўйга, байрам-байрамга уланиб кетаяпти. Яқиндаги давлатга галла топшириш бўйича йиллик мажбуриятлар ортиси билан бажарилди. Қутлуг байрам арафасидаги ютуқларимиз нашидаси билан ҳадемай пахта йиғим-теримига киришамиз. Илоҳим, юртдошларимиз қалбидан яратувчанликка, бунёдкорликка хос шижоат ҳеч қачон аримасин.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

ЮРТДОШЛАРИМИЗ қалбида яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз байрамимиз шуқуҳи ҳукмрон. Байрам тадбири доирасида жойларда ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

МАДҲИНГ ТИЛЛАРДА ДОСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик қириш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Бекобод педагогика коллежида ўтказилган тадбирга республикамизнинг бир ғуруҳ иждокорлари ташриф буюришди. Коллеж жамоаси, Зафар шаҳарчасидаги маҳалларнинг фаоллари ва аҳоли вакиллари иштирок этган кеча байрамона тус олди. Йиғилганларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов, Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчиси Очилбек Матқонова, хонанда Жавлонбек Буриев мам-

лакатимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқлари тўғрисида сўзлаб, ўз қўшиқлари билан хушнуд этдилар. Шоир Ашуралли Боймурод она Ватанини, эзгуликни мадҳ этувчи шеърларидан намуналар ўқиди. – Бугунги тадбирдан кўнглимиз тўлди, – дейди "Гуллистон" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслакатчиси Малика Асронқуллова. – Шуқрлик, истиқлол туғайли дорилқом кунлар гаштини суриш, фарзандларимиз камолтини қуриш бахти насиб этди. Бундай тадбирлар мустақиллик шодийналарига уланиб, дилларга фаровон ҳаёт нашидасини олиб кириши шубҳасиз.

Карим МАВЛОНОВ.

Долзарб мавзуда суҳбат

«ОЗОДАГАРЧИЛИК – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ»

дейди вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош шифокори Баҳром Алматов

– Бу – оддий ҳақиқат, лекин ҳамма ҳам уни чуқур идрок этиб, бу қондага ҳаммиса амал қилавермайди, – деди бош шифокор суҳбат ибтидоида. – Ҳозир ўлкамизда айна пишиқчилик палласи. Эрта билан катта йўл бўйларида бироз кузатсангиз, қовун-тарвуз, олма-ўрик, дехқон ва боғбонларимиз этиштирган бошқа ноз-неъматлар юқланган катта-кичик машиналар қарвонини кўриб қувонасиз. Улар пойтахт ёки вилоятларимиз шаҳар ва туманлари марказига шошилябтган бўлади. Катта йўл

бўйлари, қишлоқ марказларидаги муваққат бозорчаларнинг-қу сон-саного йўқ. Уларда йўловчиларга ҳар турли пишиқлар, қуқ-суқуқ овқатлар, яна ичимликлар тақлиф қилувчилар ҳам бисёр.

– Ҳа, бугун дийримизда тўкинчилик. Айтилик, йўл бўйида оппоқ халатли сотувчи ярқираб турган қосага қуйиб берган айрон йўловчи чанқоғини қондириб, унга дармон беради.

(Давоми 2-бетда).

2008 йил – Ёшлар йили

ЭРТА билан Чирчиқдаги бу корхонага кираришда турсангиз, завқли бир манзара эйтиборингизни ўзига тортади. "Ўзбекиммаш" очик акциядорлик жамияти ҳақида иш кунини бошлаш учун келатганларнинг ҳар иккинчиси – ёш йигит-қизлар. Фикрет Мамбетов шуларнинг бири. У ремонт-механика цехида ишлайди.



НАВҚИРОН АВЛОД ШИЖОАТИ

Бизнинг ишлаб чиқаришимиз – корхонамизнинг юрғи, – охира айтилган бу фикрда ўзига қатъий ишонч, ўз жамоаси, ўз иш жойи учун фахр туйғуси кучли. Барча цехларда иш мейёри бузилмаслиги бизнинг меҳнатига боғлиқ. Фикрет Чирчиқ политехника касб-хунар коллежини битиргану, беш йил олдин шу корхонага ишга келган. Бу шунчаки тасодифий, "Кани, бир кўрай-чи" қабилада қўйилган қадим эмасди. Отаси Певзи Мамбетов умрини шу завод билан боғлаган, унинг цехларида 33 йил ишлаб кўйган "кекса иши" эди. Катта ҳаёт йўлига қадим қўйилган ўғил ҳам ишчи касбинан танлади, ота изидан борди.

тун цех ишчи-хизматчиларининг юриш-туриши учун ҳам масъул бўлиб қолди. Ёшлар йилида йигит-қизларнинг меҳнати ва турмушини ташкил этишга, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор қўйилди. Ишга янги қабул қилинаётганлар учун "Эсдалик" рисоласи тайёрланди. Ходимлар бўлимида ҳар бир ёш корхона жамоасининг муқаддас аъёналари, ишлаб чиқариш хусусиятлари билан таништирилади бошланди. Аслини олганда бундай таништирувчи мактаб ва коллежлардаёқ бошланади. Газ пайвандчи, "Меҳнат шухрати" ордени нишондори Умридин Нажимов, компрессор ишлаб чиқариш цехининг фрезерчиси Пётр Бабушкин, электр ускуналари монтажчиси Бейла Байдак сингари меҳнат фахрийлари, дондор ишчилар бундай сўхбатлар чоғида ёшларга корхона фаолияти, халқаро иқтисодий алоқаларни мустақамлашга қўшаётган ўз хиссалари ҳақида гапириб беришади.

Машинасозлар мустақиллик йилларида мамлакат кимё, нефть ва газ саноати учун 40 турдаги машина-ускуналар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Мураккаб технологик жараёнларда уларни бунёд этаётганларнинг ҳар иккинчиси ёшлар. Уларнинг гайрат-шижоати, оғир, лекин фахрли касбини муқаммал эгаллаб олишга бўлган интилиши навқирон авлод камолотининг нишонасидир.

Жаҳонгир Ёрдамга муҳтож. Қутилганда оғир дард Жаҳонгирни ўрнига "михлаб" қўйди. Шифокорларнинг ташхиси нихоятда ташвишланарли бўлди. Жаҳонгир сурункали гломерулонефритнинг аралаш шаклига чалинган экан.

ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИ: ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ. ВИЛОЯТИМИЗ ХУДУДИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ МУҲИМ ИЛМИЙ МАВЗУ СИФАТИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИНМОҚДА. ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАВТГАН БУ САЪ-ҲАРАКАТДА ИКТИДОРИ ТАЛАБАЛАР ҲАМ ФАОЛЛИК Кўрсатмокдалар.

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ ТАЖРИБА. ТЕРАПЕВТ, педиатр ва акушер-гинекологлар, умумий амалиёт шифокорлари учун ташкил этилган махсус ўқув курсларида вилоятимиздан 50 га яқин тиббиёт ходими ўз билим ва малакасини оширди.

Қишқоқ мулкдорлари. БЕКОБОД туманида ер билан "тиллашиб" меҳнат қилаётган омилкор заминдорларни қўллаб уchrатиш мумкин. Туманда фермер хўжаликлари сони 988 тага етди. Улар пахта, галла, боғдорчилик, чорвачилик йўналишларида катта натижаларни қўлга киритаётди. Бунинг асосида фермерлар мисолида ҳам қириш мумкин. Фермер Фозилжон Тожибоев ана шулардан бири. Уни қўпчилик тахрирбали пахтакор сифатида яхши танийди. Биз фермер билан яқиндан танишиш мақсадида Хос қишлоғига йўл олдик. Қишлоқ туманидан анча ичкарида экан. Манзилдан етпач, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўринбек Қўшаматов билан учрашди, Фозилжон Тожибоев ҳақида сўрадик.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар! Республика қўп тармоқли Агрорасаноат биржаси (РКАБ) Тошкент филиали томонидан 2008 йил 19 июль куниндаги "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 56-сонида чоп этилган эълонда баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилаётган очик кимовида савдосига қўйилган Тошкент вилояти, Заңгита тумани, Бўсаев ширкат хўжалигида жойлашган "Бозсув" ширкат хўжалиги махсус тугатиш комиссияси томонидан тақдим қилинган мол-мулклар қуйидаги тартибда ўқилсин:

Қишқоқ мулкдорлари. БЕКОБОД туманида ер билан "тиллашиб" меҳнат қилаётган омилкор заминдорларни қўллаб уchrатиш мумкин. Туманда фермер хўжаликлари сони 988 тага етди. Улар пахта, галла, боғдорчилик, чорвачилик йўналишларида катта натижаларни қўлга киритаётди. Бунинг асосида фермерлар мисолида ҳам қириш мумкин. Фермер Фозилжон Тожибоев ана шулардан бири. Уни қўпчилик тахрирбали пахтакор сифатида яхши танийди. Биз фермер билан яқиндан танишиш мақсадида Хос қишлоғига йўл олдик. Қишлоқ туманидан анча ичкарида экан. Манзилдан етпач, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўринбек Қўшаматов билан учрашди, Фозилжон Тожибоев ҳақида сўрадик.

Table with 3 columns: №, Мол-мулк тури ва хили, Майдони, Бошлангич баҳо-си (сўм). It lists various properties for sale, including land plots and buildings, with their respective areas and starting prices.

ЎЗИГА ИШОНГАН ФЕРМЕР. Фозилжон ернинг тилини билладиган деҳқонлардан, – деди Ўринбек ака. – Файратли, тадбиркор фермер, Деҳқончилик унга ота мерос. Дадаси Аноркул аканинг бугун умри далада ўтган, танқил бригадир эди. Биз фермерни Хос қишлоғига олиб борувчи йўл ёқасидаги пайкалда учратдик. Қўшнинг тигида гўза гурирлар ўсаётган далаи айланб юрган истарали бу инсон қарил сўхбатимиз жуда қизиқарли кечди. – Асли деҳқон фарзандиман, – деди у жилмайиб. – Мана, мустақиллик туйфайли ер эгасига айландик. Бугунги кунда 170 гектар ерим бор. Фермер хўжалигимизда 40 нафарга яқин киши меҳнат қилаётти. Бу йил 100 гектар ерга чигит эдик. Қўриб турганимиздек, гўзаларимиз анча буй қўзиб қолди. Насиб қилса, қўзлаган ҳосилимизни оламиз. Галлачиликда ҳам озимиз ёруғ бўлди. 70 гектар ердан 170 тонна бугдой йиғиб олдик. 100 тонна галлаи шартномага асосан давлатта топширдик. Чопкичдан тортиб, тракторчиғача бугдой улашдим. Сомонни деҳқонларга бепул тарқатдим. Энди ҳамма кучни пахтага ташлаганимиз. Дарҳақиқат, пайкаллардаги гўзалар авж олиб ўсапти. Даладаги бу манзарани кўрган ҳар қандай кишининг бахридили очилади. – Фозилжон ишнинг кўзини билладиган тадбиркор йигит дегандим-ку, – сўхбатга қўшилди ҳамроҳимиз қишлоқ оқсоқоли Ўринбек ака. – Энди сизга бир сирни айтмай. Мана шу ер бундан икки йилча аввал "Журида Хонзодобегим" фермер хўжалиғига тегишли

Долзарб мавзуда сўхбат

Лекин беш қўл баробар эмас. Кир-чир кийимда бозор айланиб, сомса, хасип сингари ош-овқатларни сотиб юртданлар қанча! Қисқаси, "Озик-овқат махсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида" ги Қонунга бугун қай даражада риоя қилинапти? – Тегишли мутасадди идоралар қонун талабларининг бажарилишини мутасадди назорат қилиб боришапти. Бозорларимизда, бошқа жамоат жойларида санитария-эпидемиология назоратини кучайтириш, озодагарчиликка риоя қилинишини таъминлаш, ўткир ичак оғриғи ва бошқа юқумли касалликларнинг олди олинишини таъминлаш, энг муҳими, бу масалага кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш мақсадида эрта кўкламдаёқ вилоят ҳокимлиғига бир қатор тақлифлар билан чиқдик. Чунончи, улар маънавий кунларда жойларда "Санитария кунлари" ни ўтказишни қатъий белгилашни ҳам ўз ичига олади.

Ҳар ва туманларда "Санитария кунини" тадбирларининг ижросини назорат қилувчи ишчи гуруҳлари қизгин фаолият кўрсатмоқда. Санитария-эпидемиология марказлари вазиетни ўрганиб, таҳлил қилиб, тегишли идораларга аниқ тақлифлар билан чиқмоқдалар. Санитария-гигиена қоидалари, тегишли қарор ва қонунларнинг талабларини бажарилишини мутасадди назорат қилиб боришапти. Бозорларимизда, бошқа жамоат жойларида санитария-эпидемиология назоратини кучайтириш, озодагарчиликка риоя қилинишини таъминлаш, ўткир ичак оғриғи ва бошқа юқумли касалликларнинг олди олинишини таъминлаш, энг муҳими, бу масалага кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш мақсадида эрта кўкламдаёқ вилоят ҳокимлиғига бир қатор тақлифлар билан чиқдик. Чунончи, улар маънавий кунларда жойларда "Санитария кунлари" ни ўтказишни қатъий белгилашни ҳам ўз ичига олади.

Эндиликда ҳар душанба кунлари деҳқон бозорлари, унинг атрофидаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналарида санитария-тозалаш ишлари бажарилмапти. Асосий ҳолларда ювувчи ва зарарсизлантирувчи воситалардан фойдаланилаётти. Бозорлар шу кунлари 150-200 тоннагача турли чиқиндилардан тозаланаётти. Бир

Юқоричирчиқ, Оққўрғон ва Ўртачирчиқ туманлари деҳқон бозорларидаги гўшт дўконларида ҳалғича витринали совутичлар йўқ. Ангрен, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Паркент, Юқоричирчиқ, Бўка, Чиноз ва Қўйичирчиқ туманларининг деҳқон бозорларида сут ва сут махсулотлари савдоси учун алоҳида павильонлар ташкил қилинмаган.

«ОЗОДАГАРЧИЛИК – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ»

рига жавоб бермайдиган савдо дўконлари, бозорчалар ёпилиб, аҳолини ўнглаш оқсидан шошилинч чоралар қўриллаётти. – Мавлукми, қадим Шарқ ўз бозорлари билан машҳур. Шу маънода вилоятимиздаги бозорларнинг умумий аҳолига қандай баҳо бериш мумкин? – Сир эмаски, яқин ўтмишда бозорларни ободонлаштириш масалалари аҳамият берилмасди. Мустақиллик йилларида уларни қайта қуриш, кенгайтириш ва ободонлаштириш алоҳида эътибор қаратилаётти. Ҳозир вилоятимиз шаҳар ва туман марказларидаги бозорларда бу ишларни яна ҳам қучайтиришга қаратилган дастур амалга оширилаётти. Вилоят ҳокимининг юқорида таъкидлаб ўтилган қарорининг бажарилишини ўрганиш мавзусида аниқлаштириш, ҳукумат ва ҳомиёлар маблағлари сарфланиб, жумладан, деҳқон бозориде дастурда белгиланган қурилушлар ҳажмининг 45-60 фоизи бажарилди. Бу ишлар, айниқса, Янгийўл ва Бекобод шаҳарлари, Охангарон, Бўка, Тошкент туманларидаги деҳқон бозорларида бирмунча жадал тус олган.

куннинг ўзиде 206 та дўконда жузъий таъмирлаш ишлари бажарилганлиги, 126,5 минг квадрат метр жой дезинциланганлиги бу ишлар кўлами нечоғлик кенгайиб бораётганини кўрсатади. Қисқа фурсатда 268 та гўшт дўконининг 187 тасига совутичли витриналар ўрнатилди. Олмалик, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўка ва Бўстонлик туманларидаги деҳқон бозорларида ветеринария лабораториялари қайта таъмирланиб, керакли жиҳоз, асбоб-ускуна ва реактивлар билан таъминланди. Деҳқон бозорларининг 15 тасида мева-сабзавотлари ювиш жойлари жиҳозланди.

Баъзи бозорларда чиқинди ва ахлатлар вақтида йиғиб олинмайди, контейнерлар етишмайди. Чиқинди идишлари вақтида тозаланиб, ювилмайди. – Баҳром Иброҳимович, озодагарчиликка риоя қилмайдиган, санитария-гигиена талабларини бажармаётган, одамлар соғлиғига зарар етказувчи махсулотлар билан савдо қилувчи "тадбиркорлар" га қандай чоралар қўрилайётгани ҳақида ҳам гапириб берсангиз. – Бозордами, кўча-кўчалардаги муваққат жойлардами – қарда бўлмасин, савдо қонун-қоидаларини бузувчи ҳеч бир киши жазосиз қолаётгани йўқ. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида озик-овқат, мева-сабзавот махсулотлари билан савдо қилиш қоидаларини бузган 154 нафар фуқародан 6,4 миллион сўм жарима ундирилди. Санитария-гигиена талабларига жавоб бермаганлиги учун 127 килограмм гўшт, 132 килограмм сут, 600 килограмм яқин мева-сабзавот, қовун-тарвуз, кўп микродордаги айрон, турли шарбатлар, "хонаки" ёғ, туз ва тайёр овқатларни сотиш таққиланди. Тиббий қўриқдан ўтмаган 241 савдо ходими вақтинча ишдан четлатилди.

ХИТОЙ КЎЗАСИНИНГ БАҲОСИ. Лондоннинг "Сотбис" кимовиди савдо уйида XVIII асрга оид Хитой кўзаси қарийб уч миллион фунт стерлингга (олти миллион АҚШ долларига тенг) сотилди. Ҳабарларга қўра, мазкур кўза ўн йил аввал ўн минг фунт стерлингга баҳоланган экан. Сўнгги йилларда хитойлик усталар яратган бундай санъат асарларининг баҳоси жадал ошиб бормоқда.

"КАЛЬМЭГИ" ТЎФОНИ. Хитойда кучли сув тошқинига сабаб бўлган "Кальмэги" тўфони йигирмага яқин одамни ҳайдан олиб кетди. Табиий офат оқибатида ўндан зиёд киши бедарак йўқолди. Ҳабарларга қараганда, кучли сув тошқинидан, айниқса, Тайнань, Гаосюн, Фуцзянь ва Чжэцзян туманлари катта зиён кўрган. Қўллаб қишлоқлар сув остида қолиб кетган, экан майдонларига зарар етган, тураржой бинолари вайрон бўлган. Айни пайтда юзлаб одамлар хавфсиз жойларга қўчирилмоқда. Қийдирув-қутқарув ишлари давом этаётти.

Тақлифлар билан чиқдик. Чунончи, улар маънавий кунларда жойларда "Санитария кунлари" ни ўтказишни қатъий белгилашни ҳам ўз ичига олади. Вилоят ҳокимлиги тақлифларимизни маъқуллаб, "Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган деҳқон бозорлари, маийий хизмат кўрсатиш шахобчалари, умумий овқатланиш корхоналари ва ўқув-тарбия муассасаларида "Санитария кунини" тадбирларини ўтказиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Жойларда санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олувчи бу қарор қонун талабларини оғишмай бажариш, бу масалага кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишда муҳим қадам бўлди. У вилоятимиздаги тегишли куч ва воситаларни бозорларимизнинг озодагарчилиги, уларни яна ҳам ободонлаштиришга йўналтириш имконини беради.

Шу қарор асосида ҳозирда бозорларимизда ҳар душанба кунлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча умумий овқатланиш корхоналари ва маийий хизмат кўрсатиш шахобчаларида ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи жума кунлари, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртиларида иккинчи ва тўртинчи шанба кунлари санитария кунини ўтказишга бошланди. Лекин бу асло бошқа кунлари бу масалаларга эътибор сўсайиши мумкин дегани эмас. Вилоят, шаҳар ва туманлардаги деҳқон бозорларида бирмунча жадал тус олган.

Танлов

«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида «АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА» қўриқ-танлови ўтказилади.

Танловга иштирокчилар томонидан тақдим этилган 2008 йилнинг 1 июнидан 1 декабргача бўлган даврда газета, журнал, интернет нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзилган аудиокассеталар қабул қилинади. Тақдим қилинган материаллар қуйидаги мезонларга қўра танланади: а) ёритилаётган масаланинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини очиб даражаси ва унинг мазмуни; б) материалнинг мавзуга доирлиги ва тушунарли берилиши; в) материалнинг жозибдор ва ўзига хос берилиши; г) сўз-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг аҳамияти кенг-роқ очиб берилганлиги; д) Адлия вазирлиги тизими таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси таҳлили; е) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказиш.

Кўрик-танлов голиблари қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланади: 1. "Энг яхши телебаҳо" 2. "Энг яхши радиоэшиттириш" 3. "Энг яхши мақола" 4. "Энг яхши интернет материали" Голибларни ушбу совринлар кутмоқда: 1. 3 та биринчи ўрин учун – раңгли телевизор. 2. 3 та иккинчи ўрин учун – диктофон. 3. 3 та учинчи ўрин учун – DVD магнитофон. 4. 1 та энг яхши интернет материали учун – фотоаппарат. Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган. Танловда иштирок этиш учун материаллар 2008 йилнинг 1 декабргача қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун телефон: (998-71) 233-39-84. Факс: (998-71) 233-39-84. E-mail: press@miniuts.gov.uz

Қишлоқ мулкдорлари

БЕКОБОД туманида ер билан "тиллашиб" меҳнат қилаётган омилкор заминдорларни қўллаб уchrатиш мумкин. Туманда фермер хўжаликлари сони 988 тага етди. Улар пахта, галла, боғдорчилик, чорвачилик йўналишларида катта натижаларни қўлга киритаётди. Бунинг асосида фермерлар мисолида ҳам қириш мумкин. Фермер Фозилжон Тожибоев ана шулардан бири. Уни қўпчилик тахрирбали пахтакор сифатида яхши танийди. Биз фермер билан яқиндан танишиш мақсадида Хос қишлоғига йўл олдик. Қишлоқ туманидан анча ичкарида экан. Манзилдан етпач, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ўринбек Қўшаматов билан учрашди, Фозилжон Тожибоев ҳақида сўрадик.



эди. Улар ҳар қанча уринсалар ҳам бу ерни эппай олишмайди. Чунки ернинг тупроқ шариоти жуда оғир. Ундан фойдаланиш учун асл деҳқон бўлиш керак-да. Улар охириқабат ерни топширишди. Биз яна тендер ўтказмоқчи эдик, даъвогарлар чиқмади. Охири Фозилжон бу ерни менга беринлар, деб сўраб олди. Мана икки йилда ўз нииятига етди. Мен Фозилжон акадан деҳқончиликнинг сирини манада, деб сўрайман. – Биласизми, – ерга қараб қулисириб жавоб берди у. – Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап ерни илгари ким сўраганлигиде. Мен энг аввало ана шунга эътибор бердим. Шу ерни сўраган деҳқонни топдим. Доим ўзимдан тажрибалироқ пахтакорлар билан маслаҳатлашаман. Бор гап шу. – Фермер акангиз яна



қилдим. Қани энди бошқа фермерлар ҳам унга ўшаган фидойи бўлишса, юракдан, жон куйдириб, меҳнат қилишса, ернинг ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис қилиб яшайсиз. Фозилжон аканинг гаплари мени ҳайратга солди. Ҳақиқий деҳқон эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Қани энди бошқа фермерлар ҳам унга ўшаган фидойи бўлишса, юракдан, жон куйдириб, меҳнат қилишса, ернинг ҳақиқий эгаси эканлигини ҳис қилиб яшайсиз. Бугунги кунда техникасиз фермер ҳеч нарса қила олмайди. Фозилжон акадан ана шулар ҳақида сўрадим. – Албатта, техника фермернинг қўл оёғи, усиз иш битмайди. Битта "Класс" комбайним, иккита "Беларус", битта "Олтой" тракторим бор. Яна учта енгил машина соҳибиман. Бу томондан муаммо йўқ. Фозилжон ака танги, қўли очик, мард инсон. У хўжалик аззоларига ҳар доим қўлидан келганча қўмак бериб туради. Кимки тўй қилса, албатта, бир томонини кўтарди. Хуллас, одамлардан ёрдамни аямайди. Фозилжон акадан: – Бугун сизни уйлантириб келаятган муаммолар ҳам борми? – деб сўрадим. – Ҳар қандай муаммо бу менинг муаммом, уни ўзим ҳал қилишга ўрганганман. Очиги, бировга илғимим келмайди, муаммони қалаштириб, тўрт томонга жар солган билан иш битмайди, – деди фермер деструмом билан пешонасидеги терни артар экан. Ҳаётда инсон ҳаммаша ўзига ишониб яшайи керак, деган гап худди Фозилжон акага ўшаганлар учун айтилгандек, назаримда.

Улугбек ХАМРОКУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКНИНГ НОНИ

Оллох берган ризқ-рўзим, неъмат султониدير бу, Танга қувват, дилга мадад бугдойнинг нонидир бу, Галла тўла қарвон келар, ҳосил хирмонидир бу, Унга сарбон оддий инсон – юртим дехқонидир бу, Халқнинг ҳалол насибаси истиқлол донидир бу.

Оддийгинам, сени кўрдим ҳар бир онда даладга, Иссиққина уйда эмас, қаҳратонда даладга, Булик бошоқ чайқалади саратонда даладга, Дехқон учун даласи – ота маконидир бу, Тангри назарин солган Ўзбекистонидир бу.

Увогини босганнинг кўзгинаси кўр бўлар, Нонтелкилик қилганнинг пешонаси шўр бўлар, Нафақат бу дунёси, у дунёси хор бўлар, Халқимиз томирда жўш урган қонидир бу, На мадору на қувват, балки имонидир бу.

Тошкент – нон шаҳри дея аталмаган бекорга, Темуру ҳам жондан кечиб жанг қилмаган бекорга, Болболарим жон олиб, жон бермаган бекорга, Эл учун жонфидолар шарафу шонидир бу, Озод ўзбек халқининг истиқлол донидир бу.

Нонини еган борки қайтиб келар албатта, Уни эъзозлаганинг жойи эрур жаннатда, Дехқонга таҳсин айтинг – бунинг бари меҳнат-да, Деҳан элнинг шиори – Карим Мавлонидир бу, Унга илҳом бахш этган ўзбекнинг нонидир бу.

Карим МАВЛОН.

МДҲ ВА ОСИЁДА ЕТАКЧИ

ЮРТИМИЗДА давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан спортни ривожлантириш борасида амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, ўзбек футболни ҳам жадал тараққий эт-

Халқаро ташкилот дунё мамлакатлари миллий чемпионатларининг 2008 йилдаги дастлабки рейтинг жадаллини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон олий лигаси жаҳондаги энг кучли чемпионатлар рўйхатида

ийгирма бешинчи қатордан жой олди. Осийё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида эса биринчи ўриндадир.

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерациясининг юзта мамлакат чемпионатларидан таркиб топ-

ган янги рейтинг жадаллида Аргентина етакчилик қилмоқда. Шунингдек, кучли учликдан Англия ва Бразилия чемпионатлари ҳам жой олган.

ЎЗА.

КУРАШЧИМИЗ ШОҲСУПАДА

ОЗАРБАЙЖОН пойтахти Боку шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган "Гран-при" туркумига кирувчи аънавий халқаро турнирда дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган энг кучли курашчилар қаторида ҳамюртларимиз ҳам голиблик учун гиламга чиқди.

Нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Дилшод Орипов олтиш килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни

эгаллаб, бронза медал билан тақдирланди. Мазкур турнир курашчиларимиз учун Пекинда бўладиган Олимпиада ўйинлари олдида тай-

эргарлик босқичи вази-фасини ўтади.

Эслаб б ўтатиш, 8-24 август кунлари ўтказилган Олимпиада ўйинларида юнон-рум кураши беллашуварларида юртимиз шарафини Дилшод Орипов, Элдор Ҳафизов ва Давид Солдадзе ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШХҲУЖАЕВ, ЎЗА мухбири.

«СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ!»

ЎЗБЕКИСТОН Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Сени куйлайман, ҳаёт!» мавзусидаги бадий кўргазма ташкил этилди. Унда фарғоналик мусавирлар Муҳаммад Жўрабов ва Валентин Бизяев асарлари намойиш этилмоқда.

Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби маънавий-маърифий соҳаларда ҳам кенг қамровли ислохотларни амалга ошириш, санъатнинг барча йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини тўла намойиш этиши учун кенг имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Муҳаммад Жўрабов – истиқлолнинг саодатли неъматларидан баҳраманд бўлаётган ижодкорлардан. У дастлаб Исҳоқовлар расоомлик коллежи, сўнгра олий таълим даргоҳида тасвирий санъат сирларини ўрганди. Унга Нейматилла Қўзибоев, Раҳим Аҳмедов, Абдулҳақ Абдуллаев сингари моҳир мусавирлар устозлик қилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Одамийлик шеваси

Бугун дам олиш кунини бўлишига қарамай, Умаржон барвақт турди. Гулзор олдидаги жилдираб оқиб турган сувда юз-қўлини ювди. Урик дарахтига осигилик сочиққа артинар экан, беҳитиёр томи ёпиламанг иморатга қаради. Мана уч йилдирки, шу қурилишни битказиш билан овора. Ўзи шаҳардаги автокорхонада оддий хайдовчи бўлиб ишлайди. Топганини шу қурилишига яратди. Иморат тиклашнинг ўзи бўлмас... Қани энди, ёгин-сочинли кунларга қолмай томини ёпиб олса, марра уники бўларди. У ўглини уйлаб, шу янги уйга келин тушириш орзусида. Ҳадемай ёз ҳам ўтади-кетди. Эрта-индин ёгингарчилик бошлангудек бўлса, қурилиш яна келаси йилга қолиб кетишини уйлаб, Умаржоннинг диққати ошди. Томини ёпиб олса бас, у ёғи осон кечади. Умаржон шуларни уйлаб, гилос тагидаги чорпогга чиқди.

Ошхона эшигида чойнак билан пиёла кўтариб, хотини қиринди. Чорпояннинг бир четига ўтириб, чойни қайтарар экан, эрига юзланди. – Ҳа, эрталабдан иморатингизга тикилиб қолдингиз, нима бало, дам солаясизми дейман? Умаржон бу ҳазилга жилмайиб қўяолди. Дастурхондаги нонни ушатар экан, унга зимдан назар солди. Яхши ҳам бахтига шу хотини бор, камини яшириб, борини ошириб, рўзгор тейратаяпти.

Умида мактабда ўқувчилик қилади. Ишдан ташқари болалар тарбияси ҳам унинг зиммасида. Рўзгордан нолимайди. Эрининг топганига қаноат қилади. Бу борада оғиз очиб бир сўз айтмайди. Уни тушунади. Умаржон ҳам Умидага қаттиқ боғлиқ экан, эрта кетиб, кеч келади. Шунда ҳам хаёли уйда. Баъзан ишдан келганда, болалар аллақачон ухлаб қолган бўлишида. Эрталаб эса, одатдагидек ишга вақтли кетади. Хуллас, болалар билан дам олиш кунлари кўришади. Шуларни уйлаб, Умаржон ўзингга шуқр, деб енгил нафас олди.

– Ёз ҳам ўтиб борапти, – Ёз ҳам ўтиб борапти,

битарди, қизларга келсак, хали улар ёш. Худо хоҳласа, катта бўлгунларича олиб берарсиз. Ахир, икки қўлингиз тош орасидамас. Умаржон табиятан оғир-вазмин, дарров калласига келган фикрни айтиб юраравермайди, мулоҳаза қилади. Шунинг учун ҳам хотинининг фикрини дарров маъқуллай қолмади. Ўзи уйдаги нарсани сотиб иш битиришни жуда ёмон кўради. Уйдан олиб чиқиб сотилган молларга хайри-барака ҳам қўшилиб кета-

яхши. Уларнинг ҳам ҳожа-ти чиқади. Бозорга тушиб гилам излаб юришмайди. Умаржон хотинининг бу гапларидан кейин, ноилож ўрнидан қўзғалиб, кўчага чиқди.

Орадан бироз фурсат ўтиб, у қўлида қозога ўралган бир нарсани билан эшикдан кириб келди. Ошхонада қуймаланиб юрган Умида эрини кўриб, унинг истиқболига юрди.

– Ҳа, тез қайтибсиз? Кўшни билан гаплашдингизми? Қўлингиздаги нима? – Умида эрини саволга қўйиб ташлади.

Умаржон вазмин юриб, чорпогга яқинлашди. Қўлидаги дастурхонга қўя-қан, қўшниси билан бўлган учрашувни бир бошидан хотинига сўзлаб берди:

– Ёркинбой ака танти одам-да, гапларини эшитиб, «Бизникига чиқиб жуда яхши қилибсиз. Ўзим ҳам гилам олиш ниятида бозорга тушмоқчи эдим», деди-ю, уйдан бир даста пул кўтариб чиқди. «Ахир, нархини сўрамайсизми», десам, менга қараб: «Бозорда гиламларнинг нархи кўтарилиб кетибди. Олаверинг, қўшни бири-икки сўм нарим-берисиз», деб, қўлига мажбурлаб шу пулларни тутди. «Гиламларни сотмай қўя-қолайлик», деди Умаржон бироз босилки билан.

– Ҳеч нарса бўлмайди, ахир «Яхши қўшнингдан сўрагунча ёмон уйингдан излагин» дейишми? – Айтганча, қўшни деганинга бир нарсани эсимга тушиб қолди. Икки эшик наридаги Ёркинбой ака борку, ўша кунни кеча бир ўтиришда гиламдан сўз очгандек бўлувди, – деди Умаржон хотинига тикилиб.

– Ана, харидор ҳам топилди. Ёркинбой акага сотамиз. Аёли ҳам жуда ажойиб, тувоқ кунни қизига совчи келганди. Тўй яқин, – Умида худди гилам сотилиб, қўлига пул тушгандек хурсанд бўлиб кетди. – «Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир четиди ўзинг ҳам ўтирасан», деган нақлини унутдингизми, – деди хотини кулимсираб.

– Туринг энди, дадаси, ҳозирок чиқинг, ҳамма нарсани иссиғида бўлгани

ди, деган гапга ишонади. – Қандай бўлар экан, яхши ният билан тўйга етказсин, деб олиб қўйганимиз. Пул топилади, қўй шу гиламларни сотмай қўя-қолайлик, – деди Умаржон бироз босилки билан.

– Ҳеч нарса бўлмайди, ахир «Яхши қўшнингдан сўрагунча ёмон уйингдан излагин» дейишми? – Айтганча, қўшни деганинга бир нарсани эсимга тушиб қолди. Икки эшик наридаги Ёркинбой ака борку, ўша кунни кеча бир ўтиришда гиламдан сўз очгандек бўлувди, – деди Умаржон хотинига тикилиб.

– Ана, харидор ҳам топилди. Ёркинбой акага сотамиз. Аёли ҳам жуда ажойиб, тувоқ кунни қизига совчи келганди. Тўй яқин, – Умида худди гилам сотилиб, қўлига пул тушгандек хурсанд бўлиб кетди. – «Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир четиди ўзинг ҳам ўтирасан», деган нақлини унутдингизми, – деди хотини кулимсираб.

– Туринг энди, дадаси, ҳозирок чиқинг, ҳамма нарсани иссиғида бўлгани

Учун ҲАМДАМОВ.

Боқий аъналар давомчиларимиз

КЎККА БЎЙ ЧЎЗГАН ТЕРАКЛАР

Бу мавзуда илгари кўп ёзганман. Теракларга қирон келтираётганлар ҳақидаги дастлабки мақола босилиб чиққанига ҳам мана 24 йил бўлди. Табиийки, ўшанда мақола айримларга ёқмади. Унда Тошкент-Қўқон автомобиль магистралининг Қорахитой қишлоғидан ўтувчи қисмида кўкка бўй чўзиб турган тераклар турли бахоналар билан авбосиз қирқилаётганлиги танқид қилинган эди. Хўжаликнинг ўша пайтдаги раҳбари мени учратиш қилиб, сўз қотди:

– Статянгни ўқидим, ука. «Терак – керакми?» дебсан. Айтавермайсанми, очигини. Сенга қанча терак керак бўлса қирқитиб берадим. Терак керакми хўжаликка, қирқаверамиз!

Бу дағдагага қандай жавоб беришни билмай хайрон бўлиб туриб қолдим. Рўпарамдаги раҳбар қайсар, кўрс бир одам бўлиб, бошқаларнинг фикри билан мутлақо ҳисоблашмасди. Айни ўша пайтда унга жавоб қайтариш тоғни тошбўрон қилиш билан баробар эди.

Ушанда барибир раҳбарнинг айтгани бўлди. Йўл бўйидаги тераклар кесиб ташланди. У бошланган «хайрли иш»ни йўлдан фойдаланиш участкаси бошқалари ниҳоятсига етказишди. Бунга йўлни кенгайтириш бахона бўлди. Бир пайтлар хўжалик раҳбари бўлган ажойиб инсон Алибек Қўшоқов ташаббуси билан экилган тераклар арра тигидан оҳ уриб, фиғон чекканча, гурсиллаб қуларди. Эҳтимол, шундай қилиш ҳақиқатан ҳам зарур бўлгандир. Бирок, кенгайтирилган йўл четларига янги кўчатларни ўтказиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

Халқимизнинг яхши урф-одатлари бор. Оилада ўғил бола дунёга келса, бахтиёр ота ўмид билан ерга терак қаламчалари қадайдди. Бола ўсиб, камолга етганида, тераклар ҳам етилди. Ундан иморат учун пишиқ, чидамли ёғоч сифатида фойдаланадилар Ота-боболаримиз қирқилган бир туп терак ўрнига ўнтасини ўтказишган.

Усмилриқ пайтларимиз-Ушанда барибир раҳбарнинг айтгани бўлди. Йўл бўйидаги тераклар кесиб ташланди. У бошланган «хайрли иш»ни йўлдан фойдаланиш участкаси бошқалари ниҳоятсига етказишди. Бунга йўлни кенгайтириш бахона бўлди. Бир пайтлар хўжалик раҳбари бўлган ажойиб инсон Алибек Қўшоқов ташаббуси билан экилган тераклар арра тигидан оҳ уриб, фиғон чекканча, гурсиллаб қуларди. Эҳтимол, шундай қилиш ҳақиқатан ҳам зарур бўлгандир. Бирок, кенгайтирилган йўл четларига янги кўчатларни ўтказиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

Халқимизнинг яхши урф-одатлари бор. Оилада ўғил бола дунёга келса, бахтиёр ота ўмид билан ерга терак қаламчалари қадайдди. Бола ўсиб, камолга етганида, тераклар ҳам етилди. Ундан иморат учун пишиқ, чидамли ёғоч сифатида фойдаланадилар Ота-боболаримиз қирқилган бир туп терак ўрнига ўнтасини ўтказишган.

Усмилриқ пайтларимиз-Бугунги кунда Қорахитой қишлоғида «Чашма» булоғида жойлашган ерни «Тўланобод» ҳам дейишади. Зотан, бу кўркам жойни камтарин инсон Тўлан ота бўлоқ атрофида мингдан ошқ терак, юздан зиёд тол ниҳолларини ўстирди. Унинг фарзанд-сизлигини ҳамма биларди.

Бугунги кунда Қорахитой қишлоғида «Чашма» булоғида жойлашган ерни «Тўланобод» ҳам дейишади. Зотан, бу кўркам жойни камтарин инсон Тўлан ота бўлоқ атрофида мингдан ошқ терак, юздан зиёд тол ниҳолларини ўстирди. Унинг фарзанд-сизлигини ҳамма биларди.

БУ – ҚИЗИК

Буюк Британияда Интернет тармоғи орқали махсулот харид қилиш тобора авж олмақда, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Маълумотларга қараганда, бу ерда жорий йилнинг биринчи ярмида электрон савдо ҳажми 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан ўттиз саккиз фоиз ошган. Британиялик истеъмолчилар 2008 йилда Интернет тармоғи орқали эллик уч миллиард АҚШ долларини махсулот харид қилган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, электрон савдо харидорлар учун қулайлиги ва махсулотларнинг арзонлиги билан аънавий дўконларнинг азобий рақобатчисига айланган.

Германиянинг «Чорен индустрия» корпорацияси қишлоқ хўжалиги чикиндилари – ўсимликлар повеси ва похолдан автомобил учун табиий ёнғил ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундан аввал ёнғил тайёрлашда будой, картошка ва далавдан фойдаланилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ихтиро қилинган янги усул анча арзонга тушади.

Маълумотларга қараганда, «Чорен индустрия» йилига ўн беш миң тонна табиий ёнғил ишлаб чиқариш қувватига эга.

ЎЗА.

СКАНВОРД

Илон тур (русча)	Девор чироя	Зулафин	Актёр пардоз	Уммон (русча)	Қуш қийини	Ишак қурти маҳсули	Намоғоз чорлов	Қуш эржаги
хунар	Девор чироя	Зулафин	Тула	Машрабинг номи	Қуш эржаги	Мажжуд	Мир-қарим (адиб)	Қуш эржаги
Нон тури	Адал-нинг ўқак	Италия пойтахти	Мажжуд	Мир-қарим (адиб)	Қуш эржаги	Мажжуд	Мир-қарим (адиб)	Қуш эржаги
Майда дўқор	«Уч...» б/ф	Қизил (синон.)	Матчон (шоир)	Жула, ута	Уст-бош	Ибн (синон.)	Матчон (шоир)	Матчон (шоир)
Судая (ўзбек.)	Қаттиқ дарахт	«ёш...» синон.	Курорт шаҳар	Мерос-хўр	Бахшда	Ука	Заб	Матчон (шоир)
Мухоммад (боқс)	Хўшқаб	«ёш...» синон.	Мерос-хўр	Бахшда	Ука	Заб	Матчон (шоир)	Матчон (шоир)
Баш (футбол)	Хўшқаб	«ёш...» синон.	Мерос-хўр	Бахшда	Ука	Заб	Матчон (шоир)	Матчон (шоир)
Ширинлик	Каспаров	«ёш...» синон.	Мерос-хўр	Бахшда	Ука	Заб	Матчон (шоир)	Матчон (шоир)

Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

ЧП "SALTANAT-BARAKA" Чиланзарского района г. Ташкента (ИНН 300356023, ОКОНХ 71280), ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по адресу: Чиланзар-5, 25/38.

Неправительственная некоммерческая организация "OILA VA BOLALAR" (ОКОНХ 98400, юридический адрес: г. Ташкент, ул. Фархадская, 10), ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по телефону: 245-04-55.

Утеранный гос. ордер № 10-21/404 от 09.09.93 г. права собственности на квартиру Раубаева Саидахмата Ахмедовича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви жамоаси «Маҳалла» жамғармаси Қизилар тумани бўлимининг собиқ раиси Бибинон ШЕРАЛИЕВанинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Хотин-қизлар кўмитаси Чиноз тумани ҳожими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Қорабасовага отаси Абдукаҳҳор ота ИСМАТУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассиси:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълолар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.